

АНДИЖОН ВИЛОЯТИ ИҚЛИМ ШАРОИТИДА ОЛМАНИНГ ЁЗГИ НАВЛАРИНИНГ ДАСТЛАБКИ НАТИЖАЛАРИ

Хўжаев Хамидулло Шаробидинович

Бердалиев Хусниддин Норкул ўғли,

xusniddinberdaliyev709@gmail.com

(Академик М.Мирзаев номидаги боғдорчилик,
узумчилик ва виночилик илмий-тадқиқот институти
Андижон илмий тажриба станцияси илмий ходими)

АННОТАЦИЯ

Мазкур мақолада ёзги олма навларининги Академик М.Мирзаев номидаги боғдорчилик, узумчилик ва виночилик илмий-тадқиқот институти Андижон илмий тажриба станцияси иқлим шароитларида вегетация даврларини кечиши ҳосилдорлиги ҳақида маълумотлар келтирилган.

Калит сўзлар: Жерс мак, Сўх гўзали, Вилямс Гала, ММ-106 фенология, центнер.

Маълумки, ҳар қандай қишлоқ хўжалиги экинларининг гуллаши вегетация даврининг турли босқичлари ҳосилдорлиги бевосита ташқи муҳит омилларини бошқаришда муҳим аҳамиятга эга. Шу боис, интенсив олма боғларида дарахтларни жойлаштириш иқлим шароити, тупроқ унумдорлигига мос экиш схемаларини оптималлаштириш, юқори ҳосилдор навлардан фойдаланиш, юқори сифатли маҳсулот етиштириш имкониятини яратади.

Академик М.Мирзаев номидаги боғдорчилик, узумчилик ва виночилик илмий-тадқиқот институти Андижон илмий тажриба станцияси уруғли мевалардан ҳосилга кирган олма боғларида илмий тадқиқотлар ўтказилган Дала тажрибаларида ҳар-хил биометрик ўлчов ишлари ҳосилга кирган ҳамда янги

ҳосилга кираётган ёш боғларда тажрибалар уч қайтариқда 7 туп ўсимликда тажриба олиб борилди. Тажрибалар Х.Ч. Бўриев ва бошқа маънабалардан “Меваги ва резавор меваги ўсимликлар билан тажрибалар ўтказишда ҳисоблар ва фенологик кузатувлар методикаси (2014), В.Ф.Моисейченконинг “Методика учетов и наблюдений в опытах с плодовыми и ягодными культурами” (1967) номли услубий қўлланмалар ва бошқа фундаменталь адабиётларида келтирилган тавсияларга мувофиқ тажриба ўтказилди.

Таъкидлаш жоизки, кўчатларни ташқи муҳит омилларига мослашувчанлиги ўсимликларнинг ўсиши ва ривожланишига кучли даражада таъсир кўрсатувчи омил ҳисобланади. Интенсив олма боғларини ташкил этишда асосан ер майдонни тўғри танлаш янада муҳимдир. Ҳар бир нав учун унинг шох-шаббасини ривожланиш габитусидан келиб чиққан ҳолда энг мақбул шароитларни ҳисобга олган ҳолда нав танлаш ўсимликларнинг меъёрида ўсиб ривожланишини ва юқори ҳосил беришини таъминлайди.

Ташқи муҳит омилларининг таъсири, энг аввало, вегетатив ўсиш ва ривожланиши даврида олма навлари ўсув ва гул куртакларининг ёзилиш муддатини кузатиш улар орасида маълум тафовут бўлишини қайд этиш имконини беради.

Анджон вилояти шароитларига мослашувчанлигини ўрганиш учун ММ-106 пайвандтагига уланган 7 хил олма навининг ёзги вақтда пишадиган навларда кузатувлар олиб бориш мақсадида олманинг ёзги стандарт сифатида Сўх гўзали нави танлаб олинди.

Фенологик фазаларини ўтиши.

Эртаки олма навларида куртакларни 19-23 мартда бўртиши кузатилди. Мева куртакларини бўртиши ва гуллаш фазаси стандарт сифатида танлаб олинган маҳаллий ёзги Сўх гўзали навида мева куртакларини бўртиши 20 мартга гуллашни 30 мартда бошланди. Ёзги навлари орасида энг кеч гуллашни бошлаган бўлса Жерс мас нави, Гала навидан 3 кун кеч гуллаши кузатилди.

Эртаки олманинг ёзги навларида гуллашнинг якунланиб мева тугишнинг бошланиши 12-15 апрелда кузатилди

Ёзги навлар орасида Андижон вилояти Жалақудуқ тумани ҳудудида эрта баҳорги қисқа муддатда қор ёғиши ва натижада совуқ харорат оқими Андижон илмий тажриба станциясининг Чўнқа бўлимига экилган Боравинка Ташкентская, Молдаванка, Прима ёзги олма навларининг кучли зарарланиши оқибатида куртак бўртиши фазасида ҳосил куртакларининг нобуд бўлишига олиб келди.

Ёзги олма (Жерс мак, Сўх гўзали, Вилямс спрайт) навларида меваларининг ранги 18 майдан, 23-29 майгача бўлган даврларда ўзгара бошлаши кузатилган. Шунингдек энг эрта мевасининг пиша бошлаши Жерс мак, навида 07 июнда кузатилди.

Олма навларида фенологик фазаларининг ривожланиши (2019 йилда экилган).

т/р	Навлар	Мева куртакларнинг		Гуллаш		Пишиш		
		бўртиш и	очилиш и	бошланиш и	Тугаши	бошланиш и	тугаши	давоми йлиги
1	Сўх гўзали ст	20 III	25 III	30 III	12 IV-	17/VI	10/VII	23
2	Вилямс спрайт	21 III	24 III	31 III	13 IV	27/VI	15/VII	18
3	Жерс мак	23 III	27 III	02 IV	14 IV	16/VI	01/VII	15
	Боравинка Ташкента	19 III	25 III	29 III	зарарлан ди	-	-	-
	Молдаванк а	22 III	26 III	01 III	зарарлан ди	-	-	-
	Прима	23 III	27 III	02 III	зарарлан ди	-	-	-
4	Гала	23 III	25 III	31 III	15 IV	22 VII	10 VIII	19

Олма мевалирининг пишиш даври фақатгина ёзги навларда пишиш муддати Сўх гўзали навида 17 июнда бошланиб 10 июлда пишиш даври тугаганлиги аниқланди. Меваларининг пишиш давомийлиги 23 кунни ташкил этди. Вилямс спрайт навида 27 июнда бошланиб 15 июлда пишиш даври тугаганлиги аниқланди. Меваларнинг пишиш давомийлиги 18 кунни ташкил этди. Жерс мак навида 27 июнда бошланиб 01 июлда меваларини пишиш даври тугаганлиги аниқланди. Бу нава меваларининг пишиш давомийлиги 15 кунни ташкил этди. Гала навида эса навида меваларни пишиши 22 июлда бошланиб 10 августда тугаганлиги аниқланди. Меваларни пишиш давомийлиги 19 кунни ташкил этди.

Юқоридаги маълумотлар таҳлилининг кўрсатишича тажрибада ўрганилган олманинг ёзги навлари меваларини пишиш даври давомийлиги 15 кундан 23 кунгача давомийликда бўлиши аниқланди. Бунда Жерс мак нави меваларининг пишиш даври давомийлиги 15 кун давом этган бўлса, назорат нави Сўх гўзали нави меваларининг пишиш даври давомийлиги 23 кун, ўрганилган Гала навида бу жараён 19 кун давом этишини кўрсатди.

Ҳосилдорлик.

Ёзги навларда меваларининг дегустация баҳоси ўртача 4.3 баллни ташкил қилди. Навлар ичида яхши ҳосил берганлари Жерс мак ва Гала навларида ўртача бир туп дарахтдан 2,3 ва 3.05 кг, максимал 3,45 кг, дан ҳосил олинди бир дона мева вазини ўртача 115.1 граммни ташкил қилди мева тўқ қизил рангда Вилямс спрайт навида ўртача бир туп дарахтдан 1.04 кг, максимал 1.5 кг, ҳосил олинди, бир дона мева вазини ўртача Жерс мак навида 135.8 грамни; Гала навида эса 125,1 гр.ни ташкил қилди, мевалари тўқ қизил рангда олганлигини кузатдик. Тажрибада энг паст ҳосил Сўх гўзали навида бўлиб ўртача бир туп дарахтдан 1.2 кг, максимал 1.6 кг, холсил олинди, бир дона мева вазини ўртача 60.6 грамни; энг йириги эса 78,0 гр.ни ташкил қилди,

2018-йилда баҳори ва 2019 йили кузи экилган олма навлари меваларининг ҳосилдорлиги (экиш схемаси (4x2 м)).

т/р	Навлар	Ҳосил терилган муддат	1 тупдаги ҳосил, кг			Мева массаси гр.		Ҳосилдорлик ц/га	Дегустация баҳоси 5 балл
			ўрғач а	юқор и	бал л	ўрғач а	Юқор и		
1	Сўх гўзали назорат	10 VII	1,2	1,6	4,2	60.6	78	15	4
2	Виямс спрайт	07 VII	1,04	1,5	4,3	135.8	116.9	13	4
3	Жерс мак	14 VII	3	3,45	4,8	115.1	119.8	37,5	4,5
4	Гала	10 VIII	2,3	3,45	4,6	125.1	129.8	28.4	4,7

Мева ранги тўқ қизил рангда.


Ҳосилдорлик эса бир гектар майдонга ҳисоблаганда Виямс спрайт навида 13 ц/га, Сўх гўзали навида 15 ц/га, Гала навида 28.4 ц/га Жерс мак навида эса 37,5 ц/га.ни ташкил этди. (**3.1.1.2-жадвал**)

Олинган натижаларга асосланиб Академик М.Мирзаев номидаги боғдорчилик, узумчилик ва виночилик илмий-тадқиқот институти Андижон станцияси илмий тажриба станцияси илмий тажриба станцияси жойлашган Избоскан тумани ҳудудида қисқа муддатли совуқларга ўрганилган айрим ёзги олма (Жерс мак, Сўх гўзали, Виямс спрайт) навлари бардошли эканлиги кузатилди.

Олманинг кузги ва қишки навларининг пишиш муддатлари ҳозирда ўрганилмоқда. Тадқиқотлар давом этмоқда.



Сўх гўзали нави



Виямс спрайт



Жерс мак нави

Фойдаланилган адабиётлар

1. Бўриев Х.Ч., Енилеев Н.Ш. ва б. Мевали ва резавор мевали ўсимликлар билан тажрибалар ўтказишда ҳисоблар ва фенологик кузатувлар методикаси. – Т, 2014.
2. Рыбаков А.А., Остроухова С.А. “Ўзбекистон мевачилиги” Т.: Ўқтувчи 1981.
3. Услубий қўлланма “Мевалар, резавор мевали ва ёнғоқ ўсимликлари навларини ўрганиш усули ва дастури” И.В.Мичурин номли ББИТИ (1999)
4. Исраилов Г.К. Химический состав и лежкость плодов интродуцированных сортов яблони